

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

223 Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга шартномаларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2014 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 24 февралдаги 38-сон қарорига мувофиқ, шунингдек шартномаларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга шартномаларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар шартномалар, экспорт контрактлари ва қўшимча битимларни тузишда ҳамда кейинчалик Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхатдан ўтказишда ушбу қарор билан тасдиқланган низомга амал қилсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 8 май,
117-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 8 майдаги 117-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга шартномаларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, худудий ва тармоқ саноат ярмаркалари (кейинги ўринларда саноат ярмаркалари деб аталади) доирасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) шартномаларни, шунингдек Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури (кейинги ўринларда Маҳаллийлаштириш дастури деб аталади) доирасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни етказиб беришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) шартномаларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

шартнома — Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида ёзма шаклда тузиладиган битим, унга мувофиқ бир томон маҳсулотларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини, бошқа томон эса маҳсулотлар, ишлар, хизматларни қабул қилиш ва улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади;

экспорт контракти — Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспортга етказиб беришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) ёзма шаклда тузилган битим, шу жумладан мақсад баённомаси, доиравий битим;

мақсад шартномаси — Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида маҳсулотларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ёки маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва кейинчалик оқилона муддат мобайнида шартнома тузиш бўйича шартнома асосида ҳамкорлик қилиш ҳақида томонларнинг биргаликдаги мақсади тўғрисида ёзма шаклда тузилган битим;

қўшимча битим — шартнома ёки экспорт контракти томонлари ўртасидаги уларнинг шартларини ўзгартирувчи битим;

ариза берувчи — шартнома, экспорт контракти ёки мақсад шартномаси томони (саноат кооперацияси бўйича етказиб беришда — харидор, экспортга етказиб беришда — маҳсулот ишлаб чиқарувчи);

ярмарка қатнашчиси — қатнашиш учун Дирекцияга буюртманома берган ёки тегишли вазирлик, идора, хўжалик бошқаруви органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органининг буюртманомасида тармоқ саноат ярмаркаси ёки Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг қатнашчиси сифатида кўрсатилган, ёхуд тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан ҳудудий саноат ярмаркаси қатнашчиси сифатида қатнашчилар рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъекти;

реестрдан кўчирма — Дирекциянинг ваколатли шахси томонидан имзоланадиган ҳужжат, унда шартнома ёки экспорт контракти бўйича маҳсулотларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш назарда тутилган календарь йил охиригача бўлган муддатда амал қилувчи реестр сатрига мувофиқ ёзув мавжуд бўлади.

3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат ярмаркалари доирасида асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни, шу жумладан маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини харид қилиш, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни сотиб олиш барча маҳаллий истеъмолчилар учун қўшимча тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади.

4. Қўйидагилар:

саноат ярмаркалари доирасида ярмарка қатнашчилари билан тузилган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) шартномалар;

олдин Дирекциядан рўйхатдан ўтказилган шартномаларга уларнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган қўшимча битимлар Дирекцияда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Дирекцияда томонларнинг хошишига кўра:

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни етказиб беришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) шартномалар ва уларга қўшимча битимлар;

экспорт контрактлари ва уларга қўшимча битимлар ҳам рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

5. Саноат ярмаркалари доирасида ярмарка қатнашчилари билан тузилган мақсад шартномаси Дирекцияда ҳисобга олинади (реестрга киритилади). Мақсад шартномаси асосида тузилган шартнома Дирекцияда рўйхатдан ўтказилиши керак.

II. Шартномалар, экспорт контрактлари ва қўшимча битимларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар, шунингдек мақсад шартномаларини ҳисобга олиш

6. Шартномалар, экспорт контрактлари ва қўшимча битимларни рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи Дирекцияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 1а ёки 1б-иловаларга мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза, қўшимча битим тақдим этилган тақдирда — хат шаклидаги ариза;

шартнома, шартномага қўшимча битимнинг асл нусхаси ва нусхаси ёки экспорт контракти, экспорт контрактига қўшимча битимнинг нусхаси;

Дирекциянинг банк ҳисоб рақамига воситачилик ҳақининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати (квитанция).

7. Мақсад шартномасини ҳисобга қўйиш учун ариза берувчи Дирекцияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича мақсад шартномасини ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза;

мақсад шартномасининг асл нусхаси ва унинг нусхаси.

8. Худудий саноат ярмаркалари доирасида шартномалар тузган хўжалик юритувчи субъектлар ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун тегишли ярмаркаларни ўтказиш даврида уларнинг ташкилотчиларига берадилар. Бунда худудий саноат ярмаркаларининг ташкилотчилари ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қиладилар, рўйхатнинг нусхасини ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига топширадилар ва икки иш куни мобайнида уларни рўйхатдан ўтказиш учун Дирекцияга берадилар.

9. Ариза берувчи томонидан Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, тармоқ саноат ярмаркалари доирасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни Дирекцияга бериш муддати тегишли ярмаркаларнинг иш даври бўйича белгиланади.

10. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб беришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) шартномаларга, мақсад шартномалари асосида тузилган шартномаларга ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиш учун исталган вақтда Дирекцияга берилади. Қўшимча битимларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар шартноманинг амал қилиши муддати мобайнида берилади.

11. Ҳужжатлар Дирекциянинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

12. Шартнома, экспорт контракти ёки қўшимча битимни рўйхатдан ўтказишда Дирекция томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб беришга ва экспорт қилишга шартномалар (контрактлар) тузишда хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам бериш бўйича хизматлар учун тўлов кунда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида воситачилик ҳақи ундирилади.

Ариза берувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти бўлган тақдирда, шартнома, экспорт контракти ёки қўшимча битимни рўйхатдан ўтказишда воситачилик ҳақи тўлов кунда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида ундирилади.

Воситачилик ҳақи шартнома (экспорт контракти) томонларидан бири ёки бўйсунуш тартибида унинг юқори органи томонидан тўланади.

13. Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги шартларга риоя қилиниши керак:

шартнома ёки мақсад шартномаси саноат ярмаркалари даврида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) ярмарка қатнашчиси билан тузилган бўлиши ёки шартнома бўйича Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) назарда тутилиши;

шартнома ёхуд хат матнида етказиб бериладиган маҳсулот етказиб берувчининг ўзи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот эканлигини тасдиқлайдиган қайд мавжуд бўлиши;

худудий ва тармоқ саноат ярмаркалари доирасида тузилган шартноманинг амал қилиш муддати тегишли ярмарка бўлиб ўтган йил охирида, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартноманинг амал қилиш муддати эса — кейинги йилнинг охирида тугайди;

ҳужжатлар зарур тарзда расмийлаштирилган ва ушбу Низом талабларига мувофиқ тақдим этилган бўлиши.

14. Экспорт контракти ва қўшимча битимни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар зарур тарзда расмийлаштирилган бўлиши ва ушбу Низом талабларига мувофиқ тақдим этилиши керак.

15. Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўғрилиги ҳамда шартнома, экспорт контракти ва қўшимча битим шартларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги учун шартнома, экспорт контракти томонлари жавоб берадилар.

III. Шартномаларни Дирекцияда рўйхатдан ўтказиш тартиби

16. Шартномалар, экспорт контрактлари ва қўшимча битимларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш Дирекция томонидан улар берилган ёхуд худудий саноат ярмаркалари савдоларининг ташкилотчиларидан олинган пайтдан бошлаб икки иш куни мобайнида амалга оширилади.

17. Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 13 ва 14-бандлари талабларига мувофиқ бўлган тақдирда шартнома ёки олдин рўйхатдан ўтказилган шартномага қўшимча битим шартномалар реестрига киритилади, унга рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами берилади ва шартнома ёки қўшимча битимнинг ҳар бир саҳифасига Дирекциянинг ваколатли шахси имзоси қўйилган ҳолда тегишли штамп босилади.

18. Тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 14-банди талабларига мувофиқ бўлган тақдирда экспорт контракти ёки олдин рўйхатдан ўтказилган экспорт контрактига қўшимча битим экспорт контрактлари реестрига киритилади ва унга рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами берилади.

19. Тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 13 ва 14-бандлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда Дирекция ҳужжатлар тақдим этил-

ган пайдан бошлаб икки иш куни мобайнида ариза берувчига шартнома ёки қўшимча битимни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида асосланган хулосани юборади.

Ариза берувчи фикр-мулоҳазалар ва камчиликларни бартараф этгандан кейин ҳужжатларни тегишли хат билан бирга Дирекцияга такроран тақдим этишга ҳақлидир.

20. Шартнома ёки олдин рўйхатдан ўтказилган шартномага қўшимча битимнинг рўйхатдан ўтказилган асл нусхаси ариза берувчининг вакилига у шахсни ва шахснинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни (ишончнома) тақдим этгач берилади.

Шартнома томонлардан бирининг мурожаати бўйича Дирекция томонидан икки иш куни мобайнида ушбу Низомга 2а-иловага мувофиқ шакл бўйича шартномалар реестридан кўчирма берилади.

21. Рўйхатдан ўтказилган экспорт контракти ёки олдин рўйхатдан ўтказилган экспорт контрактига қўшимча битим бўйича ариза берувчининг вакилига ушбу Низомга 2б-иловага мувофиқ шакл бўйича экспорт контрактлари реестридан кўчирма берилади.

22. Шартнома, экспорт контракти ёки қўшимча битимни реестрдан чиқариш, шартнома томонларидан бирининг ёзма талабига кўра ёки шартнома томонларини (экспорт қилишга шартнома тузилган тақдирда — экспорт қилувчини) ёзма хабардор қилган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда амалга оширилади.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни
етказиб беришга шартномаларни Халқаро
саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси
Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1а-ИЛОВА

**Шартномани рўйхатдан ўтказиш (мақсад шартномасини
ҳисобга қўйиш) тўғрисида
АРИЗА**

(корхонанинг номи)

қуйидаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) етказиб беришга шартно-
мани рўйхатдан ўтказишингизни (мақсад шартномасини реестрга киритишин-
гизни) сўрайди:

Сотиб олинadиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) номи	
ТИФ ТН бўйича коди	
Харидор	
Харидорнинг СТИР	
Харидорнинг идоравий мансублиги	
Ишлаб чиқарувчи	
Ишлаб чиқарувчининг СТИР	
Ишлаб чиқарувчининг идоравий мансублиги	

Ушбу аризага _____ санадаги ____ рақамли (____ варақли) шарт-
нома ва унинг нусхаси илова қилинади.

Ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга шартномаларни
Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхат-
дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом билан таништирилган.

Раҳбар (ёки _____ санадаги ____ рақамли ишончнома асосида ваколат-
ли шахс)

(Ф.И.О.) Имзо/Мухр

Ариза берилган сана
201__ йил «__» _____

Телефон: _____

Факс: _____

Ташкилотнинг e-mail: _____

Ташкилот сайтнинг манзили: www._____

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни
етказиб беришга шартномаларни Халқаро
саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси
Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

Экспорт контрактини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида АРИЗА

(экспорт қилувчи корхонанинг номи)

қуйидаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб беришга экспорт кон-
трактини рўйхатдан ўтказишингизни сўрайди:

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) номи	
ТИФ бўйича ТН коди	
Харидор	
Харидорнинг мамлакати	
Ишлаб чиқарувчи	
Ишлаб чиқарувчининг СТИР	
Ишлаб чиқарувчининг идоравий мансублиги	

Ушбу аризага _____ санадаги ___ рақамли (____ варақли) экс-
порт контракти ва унинг нусхаси илова қилинади.

Ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга шартномаларни
Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхат-
дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом билан таништирилган.

Раҳбар (ёки _____ санадаги ___ рақамли ишончнома асосида ваколат-
ли шахс)

(Ф.И.О.) Имзо/Мухр

Ариза берилган сана
201__ йил «__» _____

Телефон: _____

Факс: _____

Ташкилотнинг e-mail: _____

Ташкилот сайтининг манзили: www._____

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни
 етказиб беришга шартномаларни Халқаро
 саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси
 Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 2а-ИЛОВА

223-модда

ШАРТНОМАЛАР РЕЕСТРИ

Т/р	Шартнома- нинг рўйхатдан ўтказиш рақами	Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашма- сининг номи	Харидор	Харидор нинг СТИР	Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашма- сининг номи	Ишлаб чиқарувчи	Ишлаб чиқарув- чининг СТИР	Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)	Ўлчов бирлиги	Шартнома бўйича ҳажми		ТИФ ТН коди
										миқ- дори	суммаси (ҚҚСсиз млн сўм)	

— 56 —

20 (624)-сон

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни
 етказиб беришга шартномаларни Халқаро
 саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси
 Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 26-ИЛОВА

ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИ РЕЕСТРИ

Т/р	Экспорт контрактининг рўйхатдан ўтказиш рақами	Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашма- сининг номи	Ишлаб чиқарувчи	Ишлаб чиқарув- чининг СТИР	Харидор	Харидорнинг мамлақати	Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Шартнома бўйича ҳажми		Экспорт қилувчи	ТИФ ТН коди
									миқ- дори	суммаси (минг АҚШ доллари)		